

# ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил  
1 июлдан  
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 162 (11.223)

Баҳоси эркин нарҳда

## Кечка сатрларда

● **КЕЧА** Мирзо Улугбек туман ҳокимлигида юртимиз Мустақиллигининг 17 йиллигига бағишлаб «Куч — билим ва тафаккурда» мавзусида ўтказилган маънавий-маърифий тадбир Мирзо Улугбек туман «Маънавият ва маърифат» кенгаши, Республика Маънавият тарғибот марказининг Тошкент шаҳар ва Мирзо Улугбек туман бўлими хамкорликларида ўшатирилди.

● **БУГУН** Юнусобод туман ҳокимлигида туман фаоллари, маҳаллалар оқсоқоллари, хотин-қизлар комиссиялари раислари, ёшлар иштирокида ўшатирилган тадбир яқинлашиб келаётган мамлакатимиз Мустақиллигининг 17 йиллигига муносиб тайёргарлик кўриш, ободонлаштириш ишларини янада жонлантириш масалаларига бағишланди.


● **БУГУН** Ҳамза туман маданият ва спорт ишлари бўлими ташаббуси билан тумандаги маданият уйлари бадий-хаваскорлик жамоалари вакиллари иштирокида ўтказилган тадбирда яқинлашиб келаётган юртимиз Мустақиллигини муносиб кутиб олиш мақсадида амалга ошириладиган вазифалар муҳофиза қилинди.

● **ШАҲРИМИЗДА** замонавий технологияларнинг жамият тараққиётидаги ўрни масалаларига бағишлаб ўтказилган тадбирда технология соҳаси мутахассислари ва ёшлар иштирок этишди.

(Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан).

## 17 йил МУСТАҚИЛЛИК

Истиқлол — бизнинг борлигимиз, шону шухратимиз, эркин ва фаровон келажагимиз гаровидир



### ҲАМЗА ТУМАНИ:

## РИВОЖЛАНИШ ВА ЯНГИЛЛАНИШ ЙЎЛИДА

**Йилдан йил афзал, деганларидек ҲАМЗА ТУМАНИ МЕҲНАТ АҲЛИ ҲАМ НИШОНЛАНИШИГА САНОҚЛИ КУНЛАР ҚОЛГАН МУСТАҚИЛЛИК БАЙРАМИНИ 2008 ЙИЛДА ЎЗИГА ХОС ЮТУҚ ВА МУВАФФАҚИЯТЛАР БИЛАН КУТИБ ОЛИШМОҚДА. ТУМАННИНГ ҲАР БИР ГЎШАСИДА 7 ЁШДАН 70 ЁШГАЧА БЎЛГАН ЁШУ КЕКСА ДИЛЛАРИДА ҚУТЛУГ АЙЁМ ШУКУҲНИ ЖАМЛАГАН ҲОЛДА ЯШАМОҚДА, МЕҲНАТ ҚИЛМОҚДА, БАЙРАМ ТАДОРИГИНИ КЎРМОҚДА.**

Туманнинг барча маҳаллаларида, кўп қаватли уйларда ободончилик ишлари яқунлашиб, Истиқлолнинг буюк неъматидан баҳра олаётган маҳалладошлар ҳамжиҳатлик билан байрам тадбирларини бошлаб юборишди. Кўп қаватли уйларнинг фасадлари кўрк очди, кўча ва майдонлар байрам қиёфасига кирди.

2008 — Ёшлар йили. Шу боис ҳам туманда йилнинг ўтган ойларида «Ёшлар йили» Давлат дастури доирасида амалга оширилган ишлар хусусида тўхталиш, албатта жоиз. Туманда 58 банддан иборат «Ёшлар йили» ҳудудий дастури ишлаб чиқилган бўлиб, унинг асосида ўтган ярим йилликда кўплаб ибратли ишлар амалга оширилди. Шу жумладан, бандликка кўмаклашувчи марказ томонидан 6 марта ҳудудий ва бир бор Авиасозлар маданият саройида бўш ўринлари ярмаркаси ўтказилди. Ярмаркаларга 1812 нафар фуқаро жалб этилиб, шулардан 1269 нафари ишга жойлашди. Шунинг таъкидлаш лозимки, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш ҳисобига 846 нафар ёш иш билан таъминланди. Туманда биринчи ярим йилликда 644 та касаначилик иш уринлари яратилди. Умуман олганда, ўтган олти ой мобайнида 4194 та янги иш жойлари ташкил этилди.

Иқтисодий кўрсаткичлар хусусида гапирадиган бўлсак, туман пойтахтнинг sanoatlashgan туманларидан ҳисобланиб, жорий йил ярида 195,3 миллиард сўмлик sanoat mahsulotlari чиқарилди ва бу ўтган йилнинг шу давriga nisbatan 118,4 foizni tashkil etadi. 114,4 milliard sўmlik xalq iste'moli mollari ishlab chiqarilib, ўtgan йилнинг шу davriga nisbatan 141,9 foiz ўsish kuzatildi.

Туманда экспорт ҳажми ҳам ўтган йилнинг шу davriga nisbatan oртиб 65,718,2 ming dollarга etdi. Маҳаллийлаштириш дастурига тумандаги 16 та ҳудудий корхона 28 та лойиҳа бўйича киритилган бўлиб, дастурдаги корхоналар томонидан 29751,1 миллион сўмлик mahsulot ishlab chiqarilib, 658,8 ming AQШ dollarilik tovarlar eksporti йўлга қўйилган. Олти ойлик якуни бўйича асосий капиталга инвестициялар ҳажми 45696,5 миллион сўмни ташкил этди. Жорий йилнинг 3-чорагидан бошлаб йил охиригача «Mehnat halol» шўъба корхонаси 7,9 миллион, «Jisong korea Industrial» корхонаси 39,8 миллион, «Carbast plus» қўшма корхонаси 4,7 миллион ва бошқа корхоналар томонидан умумий миқдори 54,3 миллион AQШ dollarига тенг бўлган инвестиция лойиҳалари киритилиши кутилмоқда. 2008 йил учун иш-

лаб чиқилган Тошкент шаҳар ҳудудий инвестиция дастури ичига кирган «Arktech technology» хорижий корхонасининг 5 миллион AQШ dollarига тенг бўлган лойиҳаси муддатидан олдин 600 ming AQШ dollari miqdorida oртиги билан uddalandi.

Туманда пудрат ишлари ҳажми жорий йил ярида 20,5 миллиард сўмга etди. 30689,9 миллион сўмлик пуллик хизматлар кўрсатилиб, шундан маиший хизматлар ҳажми 1351,2 миллион сўмни ташкил этди.

Туманда бунёдкорлик ишлари ҳам давом этмоқда. Янги ўқув йилидаги 555 ўринли касб-хона қоллежи, 3603 ўқувчига мўлжалланган 3 та мактаб қайта реконструкция қилиниб, 840 ўринли янги мактаб қурилиши тугалланди. Шунингдек, ёш оилалар учун 2 та 32 хонадонга мўлжалланган турар жой биноси бунёд этилмоқда ва улардан бири Мустақиллик байрами кунларида хонадон эгаларига топширилди.

Сирасини айтганда, ҳамзаликлар байрамни ёруғ юз билан кутиб олишга, ҳар жабҳада даям ва ўқтам одимлашга интилишмоқда.

(Ҳамза туманига бағишланган саҳифа материалларини газетанинг 2-бетига ўқийсиз)

## «ЎЗБЕКИСТОН — МИНТАҚАДАГИ БАРҚАРОРЛИК ВА ТАРАҚҚИЁТ ТИМСОЛИ»

**МУСТАҚИЛЛИКНИНГ 17 ЙИЛЛИГИ АРАФАСИДА ХОРИЖИЙ МАМЛАКАТЛАРИНИНГ ТАНИҚЛИ ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ АРБОБЛАРИ ХАЛҚИМИЗНИ БАЙРАМ БИЛАН ТАБРИКЛАБ, ИСТИҚЛОЛ ЙИЛЛАРИДА ЮРТИМИЗ ЭРИШГАН НАТИЖАЛАР ХУСУСИДАГИ ФИКР-МУЛОҲАЗАЛАРИ БИЛАН ЎРТОҚЛАШМОҚДА.**

ГФР собиқ ички ишлар вазири, Бундестаг депутаты Отто Шили, жумладан, шундай деди: «Мустақиллик йиллари давомида Ўзбекистон ҳам сиёсий, ҳам иқтисодий жиҳатдан изчил ривожланиб бормоқда. Кенг қўламли ислохотларни амалга ошириш жараёнида юртингизда халқнинг бой маданияти, аcriй анъаналарини эътиборга олишга алоҳида аҳамият қаратилмоқда.

Ўзбекистон Марказий Осиёда стратегик барқарорликни таъминлашида да мўҳим ўрин эгаллайди. Шу билан бир қаторда айни пайтда республика ўзининг кучли иқтисодий давлат сифатидаги мавқеини ҳам мустақамлаб бормоқда.

Биз Ўзбекистон-Германия ҳамкорлиги иқтисодий соҳада изчиллик билан ривожланаётганидан айниқса, мамнунимиз. Ушбу йўналишдаги муносабатларимиз янада кенгайиши-


га умид қиламан. Кўнун устуворлигини таъминлаш ва ишончли ҳуқуқий тизимни яратиш давлатнинг сиёсий ҳақида иқтисодий тараққиёт учун мўҳим пойдевор бўлиб хизмат қилади. Биз Ўзбекистоннинг ушбу йўналишдаги сайё-ҳаракатлари ва қўлга киритаётган натижаларини кутлаймиз. Бинобарин, тараққий этган ҳуқуқий тизим сиёсий ва иқтисодий ислохотлар самарасининг гаровидир. Ўзбекистонда ўлим жазосининг бекор қилингани фикримизнинг ёрқин исботи ҳисобланади. Бу, шубҳасиз, олдинга ташланган мўҳим қадам бўлди.

Қолаверса, Ўзбекистон раҳбариятининг суд тизimini янада такомиллаштиришга қаратилган интилишлари унинг том маънодаги демократик ва ҳуқуқий давлат барпо этиш йўлидаги мақсадлари жиддий эканини намоён этмоқда. Бундай сиёсат келажақда ҳам давом эти-

рилишига ишонаман». «Бремен-Ўзбекистон дўстлик жамияти» президенти, Бремен федерал ери Ландтаг (парламенти) депутаты Е.Мочманн куйидагиларни қайд этди: «Авалло, Ўзбекистонда ёш авлодни қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлашни истар эдим. Соғлом ва барқамол авлодни тарбиялаш ва ёшларнинг сифатли билим олишлари учун зарур шароитларни яратиш бериш Ўзбекистонда давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айлангани қувонарлиқдир.

Мустақиллик йилларида юртингиз демократик ислохотлар йўлида эътиборга молик ютуқларни қўлга киритди. Ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ислохотларнинг изчил амалга оширилгани тўғрисида республика ўтиш босқичи муаммоларини муносиб енгилди. (Давоми 2-бетда).

## ХИТОЙ ПОЙТАХТИДА ДАВОМ ЭТАЁТГАН XXII ЁЗГИ ОЛИМПИАДА ҲАМ ИЛЛАРИНИНГ ЭРКИН КУРАШ БЎЙИЧА БЕЛЛАШУВЛАРИДА СОСЛАН ТИГИЕВ КУМУШ МЕДАЛНИ ҚЎЛГА КИРИТДИ.



### ЯНА БИР КУМУШ МЕДАЛЬ

Финал учрашувида олимпиячимиз 74 килограмм вазн тоифасида дунёнинг энг кучли эркин курашчиларидан бири, икки қарра Олимпиада ўйинлари ғолиби, кўпқара жажон чемпиони россиялик Бувайса Сайтиев билан беллашди. Кескин ва мурасасиз баҳсада С.Тигиев терма жамоамиз ҳисобига иккинчи кумуш медални қўшди.

1983 йилнинг 12 октябрида туғилган спортчимиз Олимпиада ўйинларининг финалида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритгунча, уч нафар кучли рақибни лол қолдирди. Дастлабки баҳсада у руминиялик Георгита Стефандан устун келган бўлса, кейинги учрашувда Европа чемпионати совриндори Эмзарос Бентиндиси (Греция) ҳамюртимизнинг устунигини тан олишга мажбур бўлди.

С.Аҳмедовнинг шоғирди — С.Тигиев ярим финал учрашувида Беларусь терма жамоаси аъзоси, жажон ва Европа чемпионатида иккинчи ўринга сазовор бўлган Мурод Гайдаровни 3:0 ҳисобидо доғда қолдирди.

— Мустақиллик йилларида Ўзбекистон эркин курашчилари жажон ва Олимпиада ўйинларида дунёда энг кучлилардан эканини исботлаб келмоқда, — дейди эркин кураш бўйича терма жамоамиз бош мураббийси Н.Жасиликов. — Ўзбекистонлик муҳлис мутахассислар Пекин Олимпиадасида ҳам курашчиларимиздан ҳақли равишда юксак натижалар кутмоқдалар. Давлатимиз раҳбари раҳнамолигида Олимпиада ўйинларига пухта тайёргарлик кўришимиз учун барча имкониятлар яратиб берилди. Бугун совриндорлар қатаридан жой олган ёш полвонимиз Сослан Тигиев халқро майдонларда юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилиб келмоқда. Уч йил олдин Осиё чемпионатида иккинчи ўринни эгаллаган курашчимиз 2006 йили жажон чемпионатида шохсупанинг учинчи поғонасига қўтарилди. Ўтган йили жажон кубогининг Россияда ўтган босқичида эса олтин медалга сазовор бўлган эди.

Пекин Олимпиадасида Ўзбекистон спортчилари ҳозиргача бешта медални қўлга киритди. Дзюдочилар Абдулла Тангриев — кумуш, Ришод Собиров — бронза, гимнастикчи Антон Фокин кумуш, трамполнида Екатерина Хилько бронза медал соҳиблари бўлди.

Уларнинг сафига С.Аҳмедов мураббийлигида машқ қилаётган кумуш медал соҳиб Сослан Тигиев ҳам қўшилди.

21 август кунги эркин кураш баҳсларида уч нафар спортчимиз — жажон чемпионати совриндорлари — Заурбек Соҳиев, Курбон Курбонов ва Афина Олимпиадаси ғолиби Артур Таймазов гиламга чиқади.

нал учрашувида Беларусь терма жамоаси аъзоси, жажон ва Европа чемпионатида иккинчи ўринга сазовор бўлган Мурод Гайдаровни 3:0 ҳисобидо доғда қолдирди.

— Мустақиллик йилларида Ўзбекистон эркин курашчилари жажон ва Олимпиада ўйинларида дунёда энг кучлилардан эканини исботлаб келмоқда, — дейди эркин кураш бўйича терма жамоамиз бош мураббийси Н.Жасиликов. — Ўзбекистонлик муҳлис мутахассислар Пекин Олимпиадасида ҳам курашчиларимиздан ҳақли равишда юксак натижалар кутмоқдалар. Давлатимиз раҳбари раҳнамолигида Олимпиада ўйинларига пухта тайёргарлик кўришимиз учун барча имкониятлар яратиб берилди. Бугун совриндорлар қатаридан жой олган ёш полвонимиз Сослан Тигиев халқро майдонларда юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилиб келмоқда. Уч йил олдин Осиё чемпионатида иккинчи ўринни эгаллаган курашчимиз 2006 йили жажон чемпионатида шохсупанинг учинчи поғонасига қўтарилди. Ўтган йили жажон кубогининг Россияда ўтган босқичида эса олтин медалга сазовор бўлган эди.

Пекин Олимпиадасида Ўзбекистон спортчилари ҳозиргача бешта медални қўлга киритди. Дзюдочилар Абдулла Тангриев — кумуш, Ришод Собиров — бронза, гимнастикчи Антон Фокин кумуш, трамполнида Екатерина Хилько бронза медал соҳиблари бўлди.

Уларнинг сафига С.Аҳмедов мураббийлигида машқ қилаётган кумуш медал соҳиб Сослан Тигиев ҳам қўшилди.

21 август кунги эркин кураш баҳсларида уч нафар спортчимиз — жажон чемпионати совриндорлари — Заурбек Соҳиев, Курбон Курбонов ва Афина Олимпиадаси ғолиби Артур Таймазов гиламга чиқади.

Зоҳир ТОШХҲАЕВ,  
ЎЗА мухбири,  
Пекин

## МАМЛАКАТИМИЗДА

● Президентимизнинг «Йирик sanoat korxonalari bilan kasanachilikni rivojlantirish va xizmatlar ўrtasidagi kooperatsiyani kengaytirishni ragbatlantirish chora-tadbirlari tўrtasidagi» Фармони асосида Сирдарё вилоятида йилнинг ўтган даври давомида 2 мингта янги иш ўрни яратилди.

● Ёш авлоднинг маълумотларни Интернет тизимидан олишга қизиқишини инобатга олган ҳолда Ўзбекистон Фарғона академияси Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институтида беш томлик «Ўзбек тили изоҳли луғати»нинг 80 минг сўздан иборат электрон версиясини яратиш устида ишлар бошланиб кетди.

● Марғилондаги «Ёшлар боғи»да Ёшлар форуми ўтказилди. Тадбирда Фарғона вилоятининг шаҳар ва туманларидан ташриф буюрган ўқувчи ва талабалар қатнашдилар. Мустақилликнинг 17 йиллигига бағишланган бундай анжуман вилоятнинг Бешарик, Фарғона туманларида ҳам бўлиб ўтди.

● Республикамиз Мустақиллигининг 17 йиллик байрамига бағишлаб «ЭКОСАН» халқро ташкилоти қатор муассасалар иштирокида Термизда «Мустақиллик, экология ва халқ саломатлиги» экофестивалини ўтказди. Фестивал давомида Термиз шаҳар ўқувчилар саройи ва шаҳар маданият уйи қошидаги бадий хаваскорлик дасталари аъзолари ўзларининг қизиқарли концерт дастури билан йиғилганларни хушнуд этишди.

● Самарқанд шаҳридаги Алишер Навоий номи марказий истироҳат боғида вилоят ҳокимлиги, вилоят қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси, «Нуроний» жамғармасининг вилоят бўлими ҳамкорлигида қовун сайли ташкил этилди. Сайил ҳайъати аъзолари ва кенг жамоатчилик юз хил навадаги қовунларни татиб кўриб, ғолиб ва совриндорларга қимматбахо совға-саломлар топширишди.

● Эллиққалъа туманидаги аҳоли энг зич жойлашган Гулдурсин овули фуқаролар йиғини ҳудудидо маиший хизмат кўрсатиш коллежининг муҳташам биноси қурилиб, фойдаланишга топширилди. «Эллиққалъадеҳқонқурилиш» МЧЖ жамоаси саккиз ой давомида бу ерда 1 миллиард 345 миллион сўмлик бунёдкорлик ишларини бажарди.

● Наманганда анъанавий «Гул байрами» бўлиб ўтди. Унда вилоятнинг бир қатор ишлаб чиқариш корхоналари, олий, ўрта махсус ва умумтаълим мактаблари жамоалари, гул ишқибозлари иштирок этишди.

## ЖАҲОНДА

● БМТ Хавфсизлик Кенгаши Мавританияда юз берган ҳарбий тўнтаришни қоралади ва ҳибсага олинган мамлакат президенти Саид Муҳаммад Шайх Абдуллоҳни озод этишни талаб қилди. Таъкидлаш керакки, ҳарбий тўнтаришга Президентнинг Мавритания армияси қўмондони ва беш штаб раҳбари Шайх Муҳаммад Аҳмадни лавозимидан четлаштиргани сабаб бўлган.

● AQШ Президентлиги номзодлар Жон Маккейн ва Барак Обама Америка космик дастурига nisbatan ўз муносабатларини баён этдилар. Айтиш керакки, уларнинг иккаласи космик тадқиқотларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш тарафдори эканликларини билдирдилар.

● Рим папаси Бенедикт XVI ўзини қўриқловчи Швейцария гвардиясининг янги қўмондонини тайинлади.

● Гаити, Доминикан Республикаси ва Кубада бир қанча вайронагарчиликларни келтириб чиқарган «Фэй» тропик тўфони AQШнинг Флорида штатида ҳужур қилди. Натияжада штатдаги 50 дан ортиқ хонадонга жиддий зарар етди. Айни пайтда тўфоннинг катта тезликда ҳаракатланаётгани сабабли ҳудуддаги халқро аэропортда 140 та парвоз вақтинчалик тўхтатилди ва штатда фавқулодда ҳолат эълон қилинди.

● Кеча Испания пойтахти Мадриддаги халқро аэропортда парвозга қўтарилган самолётнинг ҳалокатга учраши натижасида авиалайнердаги 175 нафар кишидан 153 таси ҳалок бўлди. Авиаҳалокатга самолётнинг чап двигатели ёниб кетганили сабаб бўлгани айтилмоқда.

● Кеча нефть биржаларида ўтказилган сўнги савдоларда бир баррел нефтнинг нархи 115 долларга яқинлашди.

● Чукотканиннг шимолий қирғоқларида 800 дан ортиқ моржларнинг ҳалок бўлганили сабабини аниқлаган махсус комиссия жониворлар браконьерлар қўлидан эмас, балки шу жойдан вертолётлар ва самолётларнинг ўтиб шовқин солиши натижасида ҳалок бўлганилини билдиришди.

● Чад мамлакатидо исёнчилар ва ҳукумат қўшинлари ўртасидаги қуролли тўқнашувлар давом этмоқда.

● Samsung компанияси ходими, хитойлик дизайнер Чу Ли илк марта қўзи оғизлар учун фотокамера яратди, деб хабар беради Yanko Desin. Touch Sight деб номланган янги аппарат Брайль экрани билан таъминланган ва тасвир ҳолатга кўра ўзгариб туради. Синов жараёнида фотокамера қузатув ойнасини — Брайль экранини пешонага қўйган ҳолда тасвир ҳолатини текшириш мумкинлиги аниқланган. Фотокамера орқали суратга олишда айрим овоз воситалари ҳам мижозга ёрдам беради.

# 17 йил МУСТАҚИЛЛИК

Истиқлол — бизнинг борлигимиз, шону шухратимиз, эркин ва фаровон келажагимиз гаровидир

## ҲАМЗА ТУМАНИ: РИВОЖЛАНИШ ВА ЯНГИЛАНИШ ЙЎЛИДА



## «ЎЗБЕКИСТОН — МИНТАҚАДАГИ БАРҚАРОРЛИК ВА ТАРАҚҚИЁТ ТИМСОЛИ»

(Давоми.Боши 1-бетда).

Демократлаштириш, бу аввало, аҳолининг эҳтиёжманд қатламларига ёрдам кўрсатишга қаратилган кучли ижтимоий сиёсатни амалга ошириш дегандир. Шу маънода Ўзбекистонда кам таъминланган оилаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш имконини бераётган самарали ижтимоий ҳимоя тизими тақомиллашиб бораётгани таҳсинга сазовордир.

Юртингизнинг бой тарихи, маданияти ва аъёналари, аjoyиб меъморчилиги ислом маданияти ва меросида муҳим ўрин тутди. Истиқлол йилларида Ўзбекистон бу меросни асраб-авайлабгина қолмай, балки ундан маданиятлараро ва динлараро мулоқотни ривожлантиришдаги муҳим омил сифатида фойдаланиб келмоқда.

Мамлакат мустақиллигининг 17 йиллиги муносабати билан ўзбек халқини эришилган ютуқлар билан чин қалбдан табриклаб, тараққиёт йўлидаги дадил одамлар бардавом бўлишини тилаб қоламиз. Тинчлик, барқарорлик ва фаровонлик ҳамisha ҳамроҳингиз бўлсин!

Босния ва Герцеговинанинг Ўзбекистондаги элчиси (қароргоҳи Москвада жойлашган) Энвер Халилович қуйдаги фикрларни баён этди: «Юртингизнинг истиқлол йилларида эришган натижалари жамият ҳаётининг барча жабҳаларида ва мамлакатнинг барча ҳудудларида кўзга ташланаяпти. Буни нафақат расмий маълумотлар, балки шахсий таассуротларимизга таянган ҳолда айтаямиз.

Ўзбекистонга амалга оширган икки ташрифим орасида деярли кўп вақт ўтгани йўқ. Аммо ана шу қисқа давр ичида мамлакатда жиддий ўзгаришлар содир бўлганининг гувоҳига айландим. Давлат институтларининг мустақамланиши, демократик механизмларнинг ривожланиши, иқтисодиётнинг барқарор суръатда ўсаятиши, хорижий сармоялар ҳажмининг ортиб бораётгани яққол намойён бўлмоқда. Ўзбекистон бутун Марказий Осиё минтақасининг барқарорлиги ва тараққиётини таъминлаш омилга айланди.

Ўшбу аjoyиб замин бўйлаб сафар қилар эканман, ҳар гал бу ердаги одамларнинг очикўнгиллиги, меҳмондўстлиги ва самимийлигини мамнуният билан таъкидлашни истайман. Аъёналарга содиқлик ўзбек халқидаги янги гоё ва имкониятлар билан аjoyиб тарзда уйғуллашиб кетган.

Мамлакат тараққиёти бардавом бўлиб, унинг осмонидо мусаффо бўлсин. Тинч ва осойишталик ҳамisha йўлдошингиз бўлишига тилакдошман!

«Ўзбек халқининг қутлуғ байрами — Мустақиллик куни арафасида Москвада ўзбекистонлик рассомларнинг ижод намуналари муваффақият билан намойиш этилмоқда, — дейди Рассомлар иттифоқи халқаро конфедерацияси ижroiя қўмитаси раиси Масут Фатқулин. — Бу каби саналар истиқлол йилларида эришилган ютуқларни сарҳисоб қилиш учун яхши имкониятдир. Ўтган йиллар давомида Ўзбекистон тасвирий санъати янги қиёфа ва мазмун касб этиб, уларда халқнинг кўп асрлик аъёналарига тобора кенгроқ эътибор қаратила бошланди.

Сўнги йилларда икки мамлакат ўртасидаги ижодий мулоқот анча фаоллашгани диққатга сазовордир. Бу эса, ўз навбатида, маданиятларимизнинг ўзаро бойишига хизмат қилади.

Қутлуғ байрам арафасида ўзбекистонлик барча дўстларимизга сийҳат-саломатлик, хотиржамлик, бахт ва фаровонлик тилайман. Рассомларимиз эса ўз асарлари билан қалбларимизни қувонтиришда давом этаверсин!»

«Ўзбекистонда миллий маданият ва аъёналарни ривожлантириш, уларни асраб-авайлашга катта эътибор қаратишмоқда, — дейди Россия халқ рассоми, ўшбу мамлакат Рассомлар академияси раёсати аъзоси Игорь Обросов. — Бу, гайрат-шижоатга тўла ўзбекистонлик рассомларнинг ижодий ишларида ўз ифодасини топомқда. Биз ўзбек мўйқалам усталарининг асарларини Москвада томоша қилишдан мамнунмиз. Бинобарин, улар россиялик санъат илхосмандларида катта қизиқиш уйғотмоқда.

Мен Ўзбекистонда кўп бора бўлганман ва мамлакатингиздаги турли лойиҳаларда иштирок этганман. Ўзбек халқи, ўзбек замини кўнглимга ниҳоятда яқин. Эеро, танги ва самимий бу халқни жуда яхши биланман ва қадрлайман. Барчангизни яқинлашиб келаётган байрам билан табриклайман. Ҳайрли ишларингиз рўёбга чиқишига тилакдошман!»

«Жаҳон» АА

## АФГОНИСТОН ДЕЛЕГАЦИЯСИНING ТАШРИФИ


МАМЛАКАТИМИЗГА ТАШРИФ БУЮРГАН АФГОНИСТОН ИСЛОМ РЕСПУБЛИКАСИ ЭНЕРГЕТИКА ВА СУВ РЕСУРСЛАРИ ВАЗИРИ МУҲАММАД ИСМОИЛХОН РАҲБАРЛИГИДАГИ ДЕЛЕГАЦИЯ АЪЗОЛАРИ 20 АВГУСТ КУНИ «ЎЗБЕКЭНЕРГО» ДАВЛАТ-АКЦИЈАДОРЛИК КОМПАНИЯСИ РАИСИ БОТИР ТЕШАБОВ БИЛАН УЧРАШДИ.

Мулоқот чоғида мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик қўллаб соҳаларда изчил ривожланиб бораётгани, сўнги йилларда йўлсозлик, кўприксозлик каби йўналишлар қаторида энергетика соҳасидаги алоқалар ҳам фаоллашяётгани, бунда Ўзбекистон ва Афғонистон давлат раҳбарларининг учрашувида эришилган келишувлар муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётгани алоҳида таъкидланди. Меҳмон Ўзбекистоннинг Афғонистондаги тикланиш ишларидаги фаол иштирокига юқори баҳо берар экан, Афғонистон халқи ўзаро ҳамкорликни юксак қадрлашни қайд этди.

Икки мамлакат ўртасидаги муносабатларда электр энергетикаси соҳасидаги ҳамкорлик муҳим ўрин тутди. Ўзбекистон Афғонистонга узатилаётган электр энергияси ҳамжини янада ошириш имкониятига эга. 2006 йилнинг ноябрь ойида мамлакатларимиз ўртасида энергетика соҳасида ҳамкорликка оид меморандум имзоланган эди. Мазкур ҳужжатга мувофиқ Афғонистонга узатилаётган электр энергияси ҳамжини ошириш имконини яратадиган янги подстанциялар қуриш ишлари жадал давом этмоқда.

Учрашувда ўзаро алоқалар қўламини янада кенгайтириш масалалари муҳокама қилинди, икки томон учун фойдалли лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш имкониятлари кўриб чиқилди.

Нодира МАНЗУРОВА, УЗА мухбири



### Маҳалла

## ҲАМЖИҲАТЛИКДА ГАП КЎП

МАҲАЛЛА ШУНДАЙ БИР ОШИЁНКИ, УШБУ МАСКАННИНГ ЧИРОЙИ ВА ОБОДЛИГИ, ЯШОВЧИЛАРНИНГ ҲАМЖИҲАТЛИГИ ҲАМДА ЯХШИ-ЁМОН КУНЛАРДА БИР-БИРИГА ТИРГАК БЎЛИШИ, КЎП МИЛЛАТЛИ БЎЛСАДА, БИР ОИЛАДЕК ТУТУВЛИГИ, МЕҲРОҚИБАТ БУЛОғИНИНГ БУ ЕРДА ҚЎНИН ТОПГАНЛИГИ УНИНГ ОБРЎСИНИ КЎЗ-КЎЗ ҚИЛАДИ, МАВҚЕИНИ ОШИРАДИ.

Туманда ҳам 53 та маҳалла мавжуд бўлиб, ҳар бирининг ўз иш режаси, ўзига муносиб одамлари, хурмати баланд кексалари, иззатини билган ёшлари, эъзозга лойиқ аёллари, қалби шодлик билан лиммо-лим болажонлари бор ва улар ҳамisha яшаётган гўшаларидан, маҳалладошларидан меҳр-муҳаббатларини дариг туттирмайди.

Ана шундай масканлардан бири — Мирзо Улугбек маҳалласида бўлганимизда, маҳалла аҳлининг нишонланишига санқили қўнлар қолган кадрли айём — Мустақиллигимизнинг 17 йиллигига катта тайёргарлик кўрилганлиги, ободлик ва покизаликка муҳим эътибор қаратганига гувоҳ бўлдик.

Маҳаллани бежизга кичик Ватан дейишмайди. — сўз бошлади бизни бажарилган ишлар билан бирма бир таъништирар экан маҳалла фуқаролар йиғини раиси Турғунмурод Холмуродов. Маҳалламиз кўп қаватли турар-жой биноларидан иборат бўлиб, 37 та уйдаги 1661 та хонадонда 4880 нафар аҳоли яшайди. Улар 13 та хусусий

уй-жой мулкдорлари ширкатига биришган бўлиб, ҳар бири «Менинг уйим — менинг мулким» широгига амал қилган ҳолда иш юрятади. Ҳар ҳафталик йиғилишда ширкат раислари, уй-боши ва йўлак-бошилар билан бамавсалахат вазибалар ижроси ўрганилиб, режалар тузилади. Ҳозирги кунгача 148 та кириш йўлак-лари тўла таъмирдан чиқарилган бўлиб, 80 фоизига темир эшиклар ўрнатиб бўлинди ҳамда йил охиригача бу ишнинг якунига етиши режаланган. Ҳамма ерда Мустақиллик айёмига қизгин ҳозирлик кетаётган айна пайтда маҳалламиз аҳолиси ҳам кўтаринки руҳда таратқилди якунлапти. Ободончилик ишлари, уларнинг олд қисмини таъмирлаш, ариқларни тозалаш сув келтириш юмушлари катта эътибор қаратилди. Ўз кучимиз билан уйлар ёни-атрофи ва болалар майдончаларига даракт ҳамда гул қўчалари ўтказилиб, парвариши яхши йўлга қўйилган. Жорий йил яримда 4 та болалар майдончалари қуриб битказилди. Шу кунгача 17 та уйнинг олд қисми таъмирдан

чиқди, кузги-қишки тайёргарлик ишлари муваффақиятли якунланди. Кам таъминланган оилалар, ёлғиз қариялар ҳамisha эътиборда бўлиб, уларга коммунал тўловлар бора-бор ҳам моддий ёрдам кўрсатилади.

Маҳалла ўзининг замонавий гузарига эга бўлиб бу ерда ёшларга хунар ўргатиш учун бепул тўғарақлар фаолияти йўлга қўйилган. Маҳалла ёшлари компьютер, би-чи-тиқши, қандолатчилик курсларида тахсил олишиб, уларга сертификатлар топширилмоқда.

Маҳалламиз аҳолисининг 40 фоизини ёшлар ташкил этади, — дейди маслаҳатчи Айқон Ризаметова. — Уларнинг маънавиятини юксалтириш, спорт билан шуғулланишларига шaroит яратиш, касб-хунарга йўналтириш, бун вақтларини мазмунли ўтказишни ташкиллаштириш, саломатликларини мустаҳкамлаш, ҳуқуқий билимларини ошириш учун турли соҳа ходимлари билан учрашув ва суҳбатлар, мулоқотлар, спорт мусобақалари, кўрик-танловлар ўтказиб бо-

## ТАДБИРЛАР САМАРА БЕРМОҚДА

МУСТАҚИЛ ДИЁРИМИЗДА ЁШЛАР КАМОЛОТИ ЙЎЛИДА УЛКАН ИШЛАР АМАЛГА ОШИРИЛМОҚДАКИ, БУ КЕЛАЖАГИМИЗ БЎЛГАН ЎГИЛ-ҚИЗЛАРНИ ЎЗ БИЛИМ ВА ИҚТИДОРЛАРНИ НАМОЁН ЭТИШГА, АҲДОДЛАРГА МУНОСИБ АВЛОД БЎЛИШГА УНДАМОҚДА.

Ҳамза тумани ёшлари ҳам мамлакатимизда камол топаётган йигит-қизларнинг олдиги сафларида бўлишга интилоқдалар. Бу борада «Камолот» ЕИХ туман бўлими кенгаши уларга ҳар томонлама қанот бўлмоқда. Кенгаш томонидан Ёшлар йилининг ўтган биринчи ярмида ёшларнинг ҳуқуқий билимларини ошириш орқали қонунларга ҳурмат ҳиссида тарбиялаш, жамият ҳаётида онгли фуқаро, эркин шахс сифатида иштирок этишлари учун малакаларини шакллантириш, улар қалби ва онгида «Биз ҳеч кимдан кам эмасмиз, ҳеч кимдан кам бўлмаймиз» муқаддас туйғусини, яъни ёшларга ҳокимият миллий гуруҳини ошириш, ёш авлоднинг Ўзбекистон Конституцияси, Давлат рамзларига чуккур ҳурмат-эҳтиром руҳида тарбиялаш, миллий кадриятларимиз, шарқона урф-одатларимизни эъзозлаш, тарихимизни чуккур ўрганиш руҳида тарбиялаш ва бошқа қўллаб йўналишлар бўйича белгиланган вазибалар муваффақиятли бажаришмоқда. Ёшларнинг иқтидорини намойён этишлари учун турли кўрик-танловлар, спорт мусобақалари ўтказилмоқда ва гоили-лар муносиб тақдирланяпти.

Шунингдек, туман ёшлари табииати авайлаб-асраш, ўз худудларини обод этиш, кўкаламзорлаштириш ишларида ҳам фаоллик кўрсатмоқда. Шунини таъкидлаш ўринлики, туман мактабларида «Ёшлар боғи», ўрта махсус ўқув юрларида эса «Камолот боғи» ташкил этилган бўлиб, ўқувчи ва талабалар ушбу боғларни яшнатиди фаоллик кўрсатишмоқда. Кенгаш қошида ташкил этилган «Ёшлар ижтимоий хизматлари маркази»да туман маҳаллаларидаги ҳам таъминланган оила фарзандлари бепул ўқитилиб, касб-хунарли бўлишмоқда.

Яқинда кенгашимиз ҳомийлигидаги «Камалак» болалар ташкилотининг «Ватан, дўстлик, халқпарварлик учун» широи остидаги VII анжумани ўтказилди, — дейди «Камолот» ЕИХ туман бўлими кенгаши раиси Ботир Бобоев. — Унда 800 нафардан зиёд ўқувчи-ёшлар иштирок этишди ва ўз фикр-мулоҳазалари билан ўртоқлашди. «Езни «Камолот» билан» лойиҳаси доирасида «Ишлаб топ» тадбири уюштирилди ва ёшга таътил кунларида ўқувчиларга мос иш ўринлари тақлиф этилди. Шунингдек, юқоридаги лойиҳа асосида «Биринчи тиббий ёрдам», «Қариялар патронажи», «Кўма кино», «Туғилган кунинг муборак» сингари тадбирлар ўтказилмоқда, компьютер, ошпазлик, тикувчилик курслари, шахмат-шашка тўғарақлари ташкил этилмоқда ва болаларнинг фаоллиги бунда яққол кўзга ташланмоқда.

Сирасини айтганда, туман «Камолот»чилари ҳар жаҳда ўрناк бўлиб, яқинлашиб келаётган Мустақиллик байрамини муносиб нишонлашни эзгу ният қилишган. Шунингдек, пойтахтимиз Тошкентнинг 2200 йиллигига тайёргарлик ишларида ҳам фаоллик кўрсатишмоқда.

МУСТАҚИЛЛИК БЕРГАН ИМКОНИЯТЛАР БОИС ЮРТИМИЗДА ХОРИЖИЙ САРМОЯДОРЛАР УЧУН ҲАР ТОМОНЛАМА ИНВЕСТИЦИОН МУҲИТ ЯРАТИЛДИКИ, БУ УЛАРНИНГ ЭРКИН ВА МУВАФФАҚИЯТЛИ ФАОЛИЯТ ЮРИТИШЛАРИГА ИМКОН БЕРДИ. ШУ БОИС ҲАМ МАМЛАКАТИМИЗДА ЙИЛДАН ЙИЛГА ХОРИЖИЙ САРМОЯДОРЛАР БИЛАН ҲАМКОРЛИКДАГИ ҚЎШМА ҚОРХОНАЛАР САФИ КЕНГАЙИБ, УЛАРДА ИШЛАБ ЧИҚАРИЛАЁТГАН МАҲСУЛОТЛАРНИНГ НАФАҚАТ ИЧКИ, БАЛКИ ХОРИЖ БОЗОРИДА ҲАМ РАҚОБАТБАРДОШЛИГИ ОРТИБ БЕРМОҚДА.

## ҚУЛАЙ ВА КЎРКАМ МАҲСУЛОТЛАР

Ҳамза туманида фаолият кўрсатаётган «DESK-INVEST» Ўзбекистон-Австрия қўшма қорхонаси ҳам 2002 йилда ташкил этилиб, 2003 йилдан эътиборан ўзининг ишлаб чиқариш фаолиятини бошлаган. Юртимизда бунёдкорлик қўла-ри ортиб бораётган, сифатли ва мустаҳкам қурилиш ашё-ларига талаб кўчайган бугунги кунда қорхона ҳам ўз маҳсу-лотлари билан ички бозорда муносиб ўринга эга. Бу му-ваффақиятга тадбиркорлар замонавий техника ҳамда илгор технологиялардан самарали фойдаланган ҳолда бозорни ўрнини асосида харидорлик маҳсулот тайёрлаётгани ту-файли эришяётганини эътироф этмоқ керак.

Қўшма қорхонамизда металл черепица ишлаб чиқариш учун Россиянинг юқори сифатли рангли полимер билан қопланган пўлат хом-ашёсидан фойдаланилади, — дейди бош директор Шавкат Аҳмедов. — Бу бизга ўз маҳсулоти-миз учун 50 йиллик кафолат муддатини беришга имкон яратди. Бизга хом ашё етказиб бераётган Новополец ва Магнитогорск металлургия комбинатлари билан ҳамкорли-гимиз мустаҳкам. Айтиш жоизки, ишлаб чиқараётган барча маҳсулотларимиз талабга тўла жавоб беради ва сифат сер-тификатига эга. Ўтган йилда тадбиркорларимиз бюртма-ларни вақтида ундалаб, уч минг тоннадан зиёд металл че-репица тайёрлашга эришди.

Қўшма қорхона маҳсулотларидан йирик қурилиш объек-тларида, мухташам иншоотларда муваффақиятли фойдала-нилмоқда. «Ешлик» талабалар шаҳарчасидаги замонавий су-зиш хаваси, пойтахтнинг Эски шаҳар қисмида бунёд этил-ган бинолар, касалхона, поликлиника, мактабларга қўшма қорхона маҳсулотлари ажиб кўркамлик бахш этгани фикри-мизнинг ёркин далилидир.

Эндиликда қорхона тадбиркорлари бозорни тинмай ўрга-ниш, ўсиб бораётган харидор талабини қондириш мақсади-да маҳсулот турлари ва ишлаб чиқариш ҳамжини оширишни режалаб туришибди. Мустақиллик айёмини меҳнат ютуқла-ри билан қўтиб олаётган «DESK-INVEST»чилар албатта, бу-нинг учун бутун имкониятларини ишга солиб, мавжуд шарт-шaroитлардан оқилона фойдаланишга эришишди.

Саҳифани Шарифа ИЛЁСОВА тайёрлади. Ҳақимжон Солихов олган суратлар

## Фармон ва ижро ЁШ ОИЛАЛАРГА УЙЛАР

МУСТАҚИЛ ЮРТИМИЗДА ЁШЛАР УЧУН ИМКОНИЯТЛАР ЭШИГИ КЕНГ ОЧИЛГАН БЎЛИБ, УЛАРГА ҒАМХЎРЛИК ҚИЛИШ, ҲАР ТОМОНЛАМА ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШГА АЛОҲИДА АҲАМИЯТ ҚАРАТИЛМОҚДА. ЁШЛАР ЙИЛИ МУНОСАБИТИ БИЛАН, АЙНИҚСА ОИЛА ҚУРГАН ЁШ ЙИГИТ-ҚИЗЛАРГА БАХТИЛИ ЯШАШЛАРИ, ХОНАДОНЛАРИНИ ТИКЛАБ ОЛИШЛАРИ, ОИЛА МУСТАҲКАМЛИГИГА ЭРИШИШЛАРИ УЧУН КўРСАТИЛАЁТГАН ЁРДАМ УЛАРНИ ТўЛҚИНЛАНТИРМОҚДА.

Президентимизнинг 2007 йил 18 майда қабул қилинган «Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони бу ишда муҳим дасту-руламал бўлиб, унинг ижросини таъминлашга кат-та эътибор қаратилаётир.

Пойтахтимизнинг бошқа туманлари сингари Ҳамза туманида ҳам янги турмуш қурган ёш оила-лар учун 2 та кўп қаватли турар-жой биноси қурилмоқда. Шуниси қувонарлики, банклар ёш оилаларга имтиёзли равишда ипотека кредитла-рини ажратиб бермоқда.

Ҳар бири 16 хонадонга мўлжалланган мазкур уйлар 2 ва 3 хонали бўлиб, яшовчилар учун бар-ча қулайликлар яратилиши кўзда тутилган. Икки хонали уйларнинг умумий майдони 55 квадрат метр, 3 хонали эса 75 квадрат метрни ташкил этади. Шунингдек, шинам ошхона, катта айвон ва кичик айвончалар хоналар кўркини янада оча-ди.

Ёш оилалар учун мўлжалланган ҳар бири 4 қаватдан иборат бўлган уйларни «2-Темирбетон-сервис» масъулияти чекланган жамиятининг ту-рар жой бинолари қурилишида ўзига ҳам тажри-ба тўплаган бунёдкорлари қуришмоқда. Иш икки сменада ташкил этилган бўлиб, қурилиш майдо-нида меҳнат қилаётган 100 нафардан зиёд қурув-чининг қўли қўлига тегмайди. Бетон қориш, гишт териш, пайвандлаш, сантехника, дурадгорлик, пардозлаш ишлари кетма-кетликда олиб бори-лмоқда.

— Қурилиш ишларини жорий йилнинг фев-раль ойида бошлаган эдик, — дейди иш юритув-чи Ўразбой Азизов. — Ҳозирда 1-уйда қурилиш-тиклаш ишларини муваффақиятли амалга оши-риб бўлдик. Эшик ва ромлар ҳам ўрнатиб бўлин-ди. «Алотех» ҳамда «SEBRA» фирмасининг рақо-батбардош, иссиқ ва совуққа бирдай чидамли узок муддат хизмат қиладиган маҳсулотларидан самарали фойдаланяпти. Ингма темир бетон-ларни ўз қорхонамизда тайёрлашимиз, сифатли пишиқ гиштларни Пскентдаги «Фуломхон ота» ху-сусий фирмаси тадбиркорлари тайёрлаб бериш-моқда. Сантехника ишларида пластмасса қувур-лар ишлатилимоқда. Хонадон эгасига қулайлиги шундаки, улар хоҳлаган пайтда иссиқликни ўзлари ўчириб-ёқишлари мумкин. Сирасини айтганда, барча бунёдкорлик ишларида маҳаллий қурилиш ашёларидан умумли фойдаланяпти. Ҳозир-да барча савий-харакатлар шунга қаратилганки, биринчи уй сентябрда, 2-уй эса ноябрь ойида ёш оилаларни ўз бағрига олиши учун имконият-ларимизни ишга соламиз. Уйларнинг томлари бу-гунги кун талабига жавоб берадиган шифер би-лан қопланди.

Қурилиш майдонида меҳнат қилаётган брига-даларнинг бунёдкорлари ҳар бир ишни пухта у-далашга интилоқда, сифатга эътибор қарати-шяпти. Айниқса, яқинлашиб келаётган байрам шу-қуҳидан илҳомланаётган Замонали Собиров, Бах-тиёр Тахтабоев, Панжи Оллаберганов, Умид Гу-римов, Фахридин Муродов сингари қўли гул қурувчилар асло толмайяптилар.

Тез кунда биринчи уй атрофида ободонла-штириш юмушлари ҳам бошлаб юборилади. Ал-батта, қурувчилар гайрати билан аjoyиб совгага — янги уйга эга бўлган ёш оилалар қўшалок бай-рамини дилларига ажиб бир фахр билан нишон-лайдилар. Мустақилликнинг буюк неъматидан бах-раманд бўладилар.




ПОЙТАХТИМИЗ КЎРКИГА КЎРК ҚЎШГАН АЖОЙИБ МЕЪМОРИЙ МАЖМУА - ЁШЛАР ИЖОД САРОЙИДА "НАВҚИРОН ЎЗБЕКИСТОН" РЕСПУБЛИКА АНЪАНАВИЙ ВА ЗАМОНАВИЙ САНЪАТ ФЕСТИВАЛИ ОЧИЛДИ. МАЗКУР ФЕСТИВАЛЬ "ЎЗБЕКИСТОН МАДАНИЯТИ ВА САНЪАТИ ФОРУМИ" ЖАМГАРМАСИ ТОМОНИДАН ЎЗБЕКИСТОН БАДИИЙ АКАДЕМИЯСИ БИЛАН ҲАМКОРЛИҚДА ИККИ ЙИЛДА БИР МАРТА ЎТКАЗИЛАДИ. ФЕСТИВАЛДА МАМЛАКАТИМИЗНИНГ БАРЧА ХУДУДЛАРИДАН КЕЛГАН 18 ДАН 35 ЁШГАЧА БЎЛГАН 200 НАФАРДАН ОРТИҚ РАССОМ ВА АМАЛИЙ САНЪАТ УСТАСИ ИШТИРОК ЭТМОҚДА.

ВАТАН МЕҲРИ — ИЛҲОМ МАНБАИ

Халқимизнинг тарихий-маданий мероси гоёат бой, буюк аждодларимиз - шорлар, олимлар, мутафаккир ва меъморлар жаҳон цивилизацияси ривожига бебаҳо ҳисса қўшганлар. Замондошларимизнинг ижоди ҳам бой ва серқиррадр. Мамлакатимизда янги ҳаёт қуриш йўлида эришляётган муваффақиятлар, Ватанга, унинг ажойиб табиғатига муҳаббат ижод аҳлини янги-янги асарлар яратишга илҳомлантирмоқда. Бугун уларнинг ишлари дунёнинг энг машҳур музейларида намойиш этилмоқда, энг нуфузли халқаро танловларда совринли ўринларга сазовор бўлмоқда.

лакатимиз ҳудудларида халқ усталари мактаблари қайта тикланди, истеъдодли ёшлар уларнинг ноёб сирларини кунт билан ўрганмоқдалар. Ёшларимизнинг санъат турлари бўйича ўз қобилиятини юзага чиқариши учун барча шарт-шароит яратилган. Ва бу эзгу саноат-ҳаракатлар ўзининг юксак самараларини бермоқда. "Навқирон Ўзбекистон" республика анъанавий ва замонавий санъат фестивали ҳам бунга яққол тасдиқлайди.

қилиш, унинг мукамаллиги ва хилма-хиллиги ёрқин акс этган. Фестиваль доирасида Ўзбекистон санъат намоёндаларининг маҳорат сабоқлари машғулоти ҳам ташкил этилади. Тадбир қатнашчилари ўзаро тажриба алмашиб, амалий кўникмаларини тақомиллаштириш имконига эга бўладилар. Устозларнинг доно маслаҳат ва йўл-йўриқлари эса, ўз навбатида, уларга келгуси фаолиятида ёрдам беради. Хайратли истислол байрами арафасида фестивалъ янгалари бўйича лауреатларни аниқлайди ва ғолибларга дипломлар ҳамда қимматбаҳо совғалар топширилади.



А.ВИТАЛЬЕВА, ЎЗА мухбири

Президентимиз Ислон Каримовнинг 2006 йил 3 августда қабул қилинган "Пластик карточалар асосида нақд пулсиз ҳисоб-китоб тизимини янада ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида" ги қарори бу борда дастуриламал бўлмоқда.

тўлашдан озод этилди. Юртимизда нақд пулсиз ҳисоб-китоб қилиш тизимини янада ривожлантириш ва такомиллаштириш борасида олиб борилаётган бундай кенг қўламли ислохотлар ўз самараларини бермоқда. Бунга ақиддорлик тижорат "Алоқа-банк" мисолида ҳам қўриш мумкин.

ҚУДАЙ ВА ФОЙДАЛИ ТЎЛОВ ВОСИТАСИ

МАМЛАКАТИМИЗДА ТЎЛОВЛАР УЧУН ҲИСОБ-КИТОБЛАРНИ ПЛАСТИК КАРТОЧКАЛАР ОРҚАЛИ АМАЛГА ОШИРИШ ТИЗИМИ ТОБОРА РИВОЖЛАНМОҚДА.

Ушбу ҳужжатга асосан амалга оширилган комплекс чора-тадбирлар натижасида муомалададаги пластик карточкалар сони кескин қўлайиб, савдо ташкилотлари ва хизмат кўрсатиш соҳасида минглаб терминал ўрнатилди. Ягона умумреспублика процессинг маркази ташкил этилди ва нақд пулсиз ҳисоб-китоб амалга ошириладиган банклараро тўлов тизими яратилди. Қатор маҳаллий корхоналар томонидан банк микропроцессор пластик карточкалари ва тўлов терминалларини ишлаб чиқариш ўлаштилди.

— Жорий йилнинг 1 июнь ҳолатига кўра, банкимиз томонидан муомаладага чиқарилган пластик карточкалар қарийб 32,2 мингга, жойларда ўрнатилган терминаллар сони эса 463 донага етди, — дейди мазкур банкнинг пластик карточкалар бўлими бошлиғи Зокир Иброҳимов. — Бу ўтган йилнинг шу давридаги таққосланганда, пластик карточкалар сони 40 фоизга, терминаллар 19 фоизга ўсди, демакдир.

борлигини тасдиқловчи ва нақд пул тўламасдан товарлар, иш ва хизматларни сотиб олиш ҳужужини ўзида мўжассам этади. Тегизлилик жиҳатидан ушбу тўлов воситаси шахсий, оилавий ва корпоратив, ҳаракатланувий режимга кўра эса дебет, кредит ва электрон ҳамён турларига бўлинади.

омиларидан бири - корхона ва ташкилотларнинг ойллик иш ҳақининг муайян қисмини карточкалар орқали тўлаш лойиҳаларини ҳаётга татбиқ этишдир. Албатта, бу жараён ихтиёрийлик асосида амалга оширилади. "Алоқа-банк"нинг 98 фоиз пластик карточкаси турли мулкчилик шаклидаги 250 дан зиёд ҳўжалик юритувчи субъектлар ҳиссасига тўғри келади. "Ўзбекистон почтаси" очик акциядорлик жамияти, "Ўзбектелеком" акциядорлик компанияси, Фан-техника ва маркетинг тадқиқотлари маркази шулар жумласидандир.

Коммунал хизматлар ва телефон алоқаси учун тўловларни йиғишга алоҳида эътибор қаратаётган "Алоқа-банк"нинг асосий терминаллари почта ва телефон алоқа бўлимлари, банк филиал ва жамғарма касаллари ҳамда мини-банкларига ўрнатилган. Қолган қисми турғун савдо ташкилотлари, автомобильларга ёнилги қуйиш ҳамда шоха пуллик хизмат кўрсатиш шохобчаларидан жой олган.

Савдо ва сервис хизмати кўрсатиш шохобчалари томонидан белгиланган имтиёз ва чегирмалардан фойдаланаётган пластик карточка эгалари ўз ҳисоб рақамидида қолдиқ суммага йиллик қўшимча фоиз ҳам

Маълумотларга кўра, шу йилнинг ўтган беш ойи мобайнида банк пластик карточкалари ҳисобрақамларига 11 миллиард 798 миллион сўм ўтказилган. Бунга 2007 йилнинг биринчи ярим йиллигига солиштирилганда 3,3 марта ошганини билиш мумкин. Пластик карточкалар билан ҳисоб-китоб қилиш тизимини ривожлантиришнинг асосий

Холмурод САЛИМОВ, ЎЗА мухбири

ИНСОН РЕСУРСЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЎЗБЕК-ЯПОН МАРКАЗИ(УС)НИНГ ИШ БОШЛАГАНИГА 22 АВГУСТ КУНИ ЕТТИ ЙИЛ ТўЛАДИ. ЎТГАН ДАВР МОБАЙНИДА АМАЛГА ОШИРИЛГАН ИШЛАР ВА КЕЛАЖАҚДАГИ РЕЖАЛАР ХУСУСИДА МАРКАЗНИНГ ЯПОНИЯ ТОМОНИДАН ДИРЕКТОРИ ИНАБА ЯСУШИ «ТУРКИСТОН-ПРЕСС» МУХБИРИГА ҚўЙИДАГИЛАРНИ МАЪЛУМ ҚИЛДИ.

ЕТТИ ЙИЛЛИК ҲАМКОРЛИК

— Марказ Ўзбекистон ҳўкумати қарорига мувофиқ иккала давлат ўртасидаги иқтисодий ва маънавий алоқаларни мустахкамлаш мақсадида ташкил этилган, — дейди Инаба Ясуши. — Бу ҳамкорликдаги лойиҳа доирасида ташқи иқтисодий алоқаларни, инвестиция ва савдо-сотик соҳаларидаги ҳамкорликни мустахкамлаш ҳам алоҳида ўрин тутди.

Бугунги кунда марказнинг фаолиятини тўртта бўлиш мумкин. Бизнес курсларини ташкил этиш, япон тилини ўқитиш, ахборот ва маданият аниқлиқларини алмишиш ва кўзи оқиз ва эшитиш ҳамда гапириш қобилиятини маҳрум кишиларнинг компьютер савдонлигини ошириш борасида ишлар шулар жумласидандир.

Биринчи йўналишда ортада қолган вақт давомида қатор муваффақиятларга эришилди. Асосий эътибор мамлакатдаги тадбиркорларни Япониянинг тажрибасига таянган ҳолда ўқитишга қаратилди. Бу эса бошловчи тадбиркорларга сигнал тажрибадан ўз шароитларига мослаб фойдаланишларида кўл келди. Бу уришлар ўз фойдасини бергани боис курсларда ўқиш истагини бидирувчилар сони ортмоқда. 2004 йилда бизнес курсларга тўртта компания ўз ходимларини жўнатган бўлса, ўтган йили йигирма учта корхона ва компаниялар ўз вакилларини йўллашди.

Марказ турли соҳаларда меҳнат қиладиган, дунёқарашлари турлича бўлган ўзбекистонлик ва японияликларнинг учрашадиган ва тажриба алмашадиган жойи, десак адасҳамимиз. Бундан ташқари кўриш ва эшитиш қобилияти чегараланган кишилар ҳам марказ ёрдамида замонавий техникалар асосида дунё аниқлиқларидан хабардор бўлишди, ишлаб чиқаришда бевоситата иштирок этишди.

Япон тилини ўқитишда ҳам марказ томонидан мунтазам ва режалы ишлар амалга оширилмоқда. Чунки, халқлар ўртасидаги дўстликни тил билиш орқалигина мустахкамлаш мумкин. Марказ очилгунича, япон тилини ўрганиш имкони фақатгина олий ўқув юрти талабаларидагина мавжуд эди. Эндиликда тилини ўрганишга арабат билдирган фуқаро эши ва касбидан қатъий назар бунга ғайба олади. Марказ тили ўргатиш билан биргаликда, турли танловлар ўтказиб курснинг қизқарқилигини таъминлашни ҳам ёддан чиқармайди.

Факат тил билиш орқали бирор юрт тўғрисида тўлиқ маълумот олиш қийин. Шу боисдан марказ томонидан қўши чиқадиган юрт тўғрисида батафсил маълумот берадиган махсус саёҳатлар ташкил этилади. Бунда мактаб болаларидан тортиб катта ёшдаги кишилар ҳам бемалол иштирок этишлари мумкин. Марказдаги қўшбухона ва компьютер синфларидадан хоҳлаган киши бепул фойдаланиши мумкин. Марказ фақатгина ўзбекистонликларни Япония билан яқиндан таништириб қолмай, японларга ҳам Ўзбекистоннинг ўзига хос урф-одатларини ўргатиб боради. Жумладан, марказ қoшидаги тўғрақаларда японлар учун дутор чалиш курслари фаолият кўрсатмоқда.

Марказ ўз фаолиятини ошириш борасида ҳам дадил одимлайпти. Ўтган йилнинг март ойида Бухорода марказнинг худудий филиали иш бошлади. Марказ фаолияти билан қизқувчиларни тўлиқ таништириш учун интернетда махсус сайт очилган.

— Халқларимизнинг бир-бирига ўхшаш жиҳатлари жуда кўп, деди Инаба Ясуши пировардида. — Бу эса ўртадаги дўстлик ва ҳамкорлик алоқалари мустахкамлигининг асосий тамойилидир. Бизнесинг вазифаси эса ана шу йўлда бор имкон ва иқтисодий мизини сарфлашдан иборат.

«Туркистон-пресс»

Шу маънода Тошкент шаҳар Халқ Таълими бош бошқармаси ташаббуси билан Юнусобод туман халқ таълими бўлими, "Бободехқон" маҳалла фуқаролар йиғини ҳамкорлигида туман ўқувчи-ёшлар техник, ижодиёт марказида имконияти чекланган, тарбиясида салбий хислатлар бор ва кам таъминланган оила фарзандлари билан олиб борилаётган ишлар бўйича ўтказилган семинар-тренингда масаланинг янги шу жиҳатларига алоҳида эътибор қаратилди.

Август анжуманлари

ЎЗАРО ТАЖРИБА АЛМАШИШДИ

АЙНИ КУНЛАРДА ШАҲРИМИЗДАГИ БАРЧА ТУМАНЛАРДА АНЪАНАВИЙ АВГУСТ КЕНГАШИ ВА ШЎБА ЙИҒИЛИШЛАРИ БЎЛИБ ЎТМОҚДА. ЗЕРО, БУ КЕНГАШ — ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ТЎБ ИСЛОХОТЛАРИНИНГ ЯНГИ ПОҒОНАСИНИ БОШЛАБ, АНИҚ МАҚСАДЛАР АСОСИДА ЮТУҚЛАРГА ЗАМИН ЯРАТУВЧИ БОШ ПЕДАГОГИК АНЖУМАНДИР.

Яқинда Яқасарой туманидаги Амалий санъат музейида меҳнат таълими фани ўқитувчиларининг шаҳар миқёсидаги кенгаши бўлиб ўтди. Кенгаш иштирокчиларига Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Турғун Дустоев амалий санъат музейининг тарихи, ундаги экспонатлар ҳақида слайдлар орқали маълумот берди. Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси методисти Озода Ваҳобова «2007-2008 ўқув йилида меҳнат фани ўқитувчилари эришган ютуқлар, истиқболдаги вазифалар», Мирзо Улугбек туманидаги 49-мактаб ўқувчиси Умида Исмомилова эса тажриба-синув ишларининг бориши тўғрисида тўхталиб ўтди. Чилонзор туманидаги 201-мактаб ўқувчиси Мушаррам Шомасқудовидан «Меҳнат таълими фанида касба йўналиши» мавзусидаги иш тажрибаси анжуман иштирокчиларига манзур бўлди ва оммалаштирилди.

— Бугунги кенгашда Президентимизнинг «Болалар мусиқа ва санъат мактабларининг моддий-техника базасини мустахкамлаш ва уларнинг фаолиятини яхшилаш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонининг мазмун-моҳияти, ўқув юктамаси юзасидан аниқлиқлар, электрон дарсликлар, уларнинг сифати, таълимга илгор технологияларини олиб кириш каби масалаларни ўрганиб чиқди,—дейди Озода Ваҳобова. — Шунингдек, янгилашган ўқув дастурлари, дарсликларнинг янги авлоди юзасидан ўқитувчиларни қизиқтирган барча саволларга мутахассисларнинг жавоблари берилди. Кенгаш сўнгида эса муҳожама этилган масалалар юзасидан тавсиялар ишлаб чиқилди ҳамда мувожаатнома қабул қилинди.

ЮКСАК МАЪНАВИЯТ ЙЎЛИДА

ЎСИБ КЕЛАЁТГАН ЁШ АВЛОДНИ МАЪНАН ЕТУҚ, ЖИСМОНАН БАРКАМОЛ ЭТИБ ТАРБИЯЛАШ МАМЛАКАТИМИЗ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ СОҲАСИДАГИ ИЗЧИЛ СИЁСАТИНИНГ АСОСИЙ БЎГИНИНИ ТАШКИЛ ЭТАДИ.

лар олиб борилаётгани ижтимоий-сиёсий ҳаётимизда тобора кўпроқ намоён бўлиб бормоқда. Айни шу маънода имконияти чекланган, тарбиясида салбий хислатлари бор ва кам таъминланган оила фарзандлари билан ишлаш борасида махсус дастурлар тайёрланаётгани ва таълим-тарбия соҳасига жорий этилаётганини кенг қўламада ўзгаришларнинг амалий самараси дейиш мумкин. Тошкент шаҳар Халқ таълими бош бошқармаси бошлиғи ўринбосари Ҳўмоюн Ақбаров эса давлатимиз раҳбари Ислон Каримовнинг яқинда чоп этилган «Юксак маънавият — енгил-

ТОШКЕНТ ШАҲРИДАГИ РУС ТИЛИ ЎҚИТУВЧИЛАРИНИНГ ШЎБА ЙИҒИЛИШИ 274-МАКТАБДА БЎЛИБ ЎТДИ. УНДА ДАРСЛИК МУАЛЛИФЛАРИ, МЕТОДИСТ ОЛИМЛАР, ТШХТБ, ТХТБ УСЛУБЧИ ВА МУТАХАССИСЛАРИ, ИЖДОҚ ҲЎҚИТУВЧИЛАР ҚАТНАШДИ.

КЎРГАЗМАЛАРДАН ФОЙДАЛАНИЛДИ

«Таълим ва тарбия самарадорлигини ошириш — асосий бош мақсадимиз» мавзусидаги анжуманни шаҳар Халқ таълими бош бошқармаси методика маркази раҳбари Бахтиёр Арслонов очиб, иштирокчиларни яқинлаштириб келаятган кўтулғу байрам билан қўлади ва шўба ишларига омад тилади. Дарслик муаллифи С.Ислонбекова, ТШҚТМОИ услубчиси Марина Эдуард, «Преподования языка и литературы» журналы бўлим муҳаррири Н.Клименколар ўқув дастурлари, ижодкор ўқитувчилар тажрибасини оммалаштириш, тажриба-синув майдончасидаги ишлар ҳақида тўхталиб ўтди. Сўнг тренерлар — М.Рожнова, Н.Боярская, О.Пруцкова, И.Таджилинова, М.Давлетжанова «БДММ фаолияти», «Рус тили дарсларида интeрфеол усуллари» мавзусида семинар-тренинг ўтказишди.

— Шўба йиғилишида 2008-2009 ўқув йилида бажарилиши лозим бўлган ишлар белгилаб олинди ва тавсиялар тайёрланди. Йиғилишга 260-мактабда ташкил этилган болалар фольклор дастаси ижро этган куй-қўшиқлар файз бағишлади.

Маъмурод САЛИМОВ, ЎЗА мухбири

«КЕЛАЖАК ОВОЗИ» ТАНЛОВИГА МАРҲАМАТ!

Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди мамлакатимиздаги ёш истеъдод эгаларини кашф этиш, уларни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш мақсадида «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси ва «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгаши томонидан анъанавий ўтказиб келинаётган «Келажақ овози» танловини ёшлар орасида кенг тарғиб қилиш, унинг иштирокчилари ва ғолиблари ютуқларини оммалаштириш мақсадида босма оммавий ахборот воситалари ва интернет тармоғи, ахборот агентликлари журналистлари ўртасида танлов эълон қилади.

Танлов шартлари: Танловга «Келажақ овози» танлови мазмун-моҳияти, ўтказиш жараёни, иштирокчилари ва ғолиблари фаолияти, улар эришган ютуқлари ҳақида хикоя қилувчи ва 2008 йилнинг 1 январидан газета ҳамда журналларда чоп этилган, интернет саҳифаларида берилган материаллар 2008 йил 15 декабрга қабул қилинади. Танловга тақдим этилган материаллар сони 6 тадан кам бўлмаслиги ва даврий нашрларнинг асл нусхаси ёки кўчирма нусхада топширилиши лозим. Тақдим этилган материаллар ўзбек ёки рус тилида тайёрланган бўлиши керак. Ўйшга босма нашр тўғрисида маълумотлар — нашр номи, ихтисослашуви, адади, тарқатилиш ҳудуди, манзили;

Муаллиф тўғрисида — фамилияси, исми, профессионал фаолияти тўғрисида қисқача маълумот, паспортга оид маълумотлар илова қилинади. Танловга топширилган ижодий ишлар тақриз қилинмайди ва қайтарилмайди.

Танлов номинациялари: Танлов икки номинация бўйича ўтказилади: — «Келажақ овози» танловини ёритиш бўйича матбуотда чоп этилган энг яхши материаллар тўплами; — «Келажақ овози» танловини ёритиш бўйича итнтернетда берилган энг яхши материаллар тўплами. Ғолиблар ҳар икки номинация бўйича қуйидаги тартибда мукофотланади: — битта 1-ўрин; — иккита 2-ўрин; — учта 3-ўрин. Ғолиблар диплом ва пул мукофоти билан тақдирланадилар. Материаллар «Келажақ овози» республика танловини ёритишга деган қайд билан танлов матбуотда эълон қилинган кундан бошлаб Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фондида қуйидаги манзилга жўнатилади: Тошкент шаҳри — 100129, Навоий кўчаси, 30-ўй, 3-қavat, 5-хона. Телефон/факс: 244-12-51. www.mmt.uz. e-mail: mmlito: mmt@uzpak.uz

Ташкилий кўмита.

ТОШКЕНТДА ЁШЛАР КУНИ

ТОШКЕНТДА ХАЛҚАРО ЁШЛАР КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН БМТ ҚОШИДАГИ UNFPA ФОНДИ, РЕСПУБЛИКА СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ, ХОТИН-ҚИЗЛАР ҚЎМИТАСИ, «КЕЛАЖАК ОВОЗИ» ЁШЛАР МАРКАЗИ ХАМДА ЭЛЕКТРОН ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ МИЛЛИЙ АССОЦИАЦИЯСИ ҲАМКОРЛИГИДА ТАДБИР ТАШКИЛ ЭТИЛДИ.

Унда «Келажақ овози» ёшлар марказининг фаол иштирокчилари ўз излашни ва иқтидорлари билан қатнашди. Ёш истеъдодлар томонидан театрлашган сажна кўринишлари, танлов ҳамда шоу дастурлар йиғилганларда катта таассурот қолдирди.

БМТ ташаббуси билан дунёда халқаро ёшлар куни 2000 йилдан бунён нишонланади. Бу тадбирдан қўзланган асосий мақсад эса ёшларнинг мамлакат тараққиёти, юрт атасида тутган ўрнини қокори доира вакиллари ва кенг жамоатчиликка эслашиб туришдан иборатдир. Жорий йилда тадбир «Ёшлар ва иқлим ўзгариши: ҳаракат қилиш вақти бўлди» ширси остида ўтказилди. UNFPA фонднинг ижрочи директори Торайи Аҳмад Обайднинг таъкидлашича, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш борасида жажонда олиб борилаётган кенг қўламадаги акцияларда ёшларнинг фаол иштирокчини таъминлаш лозим. Жаҳон ёшларини бир бутун бўлиб иқлим ўзгаришининг олдини олиш борасида ҳаракат қилишса, фойдалан холи бўлмайди. Зеро, улар эртанги кун ворислари, бугундан глобал муаммоларни бартараф этиш акцияларида қатнашишса, эртага ўзларининг ўрнига келадиган ёшларга ўрнак бўлишди.

Бугунги кунда дунё аҳолисининг уч миллиардининг йигирма беш ёшгача бўлганлар ташкил этаётгани, 15 ёшдан 24 ёшгақарар эса ер юзидида фуқароларнинг бешдан бир қисми эканалги ҳисобга олинса, уларнинг имконияти нақада кенглиги маълум бўлади.

«Туркистон-пресс»

МАДАНИЙ АЛОҚАЛАР МУСТАҲКАМЛАНАДИ

“ЎЗБЕККИНО” МИЛЛИЙ АГЕНТЛИГИДА “ЎЗБЕКИСТОНДА ТУРКМАН КИНОСИ КУНЛАРИ” ЯҚУНЛАРИГА БАҒИШЛАНГАН МАТЕУОТ АНЖУМАНИНГ ЎТКАЗИЛДИ.


Маълумки, мазкур ҳафталик 14-20 август кунлари Тошкент, Самарқанд шаҳарлари ва Тошкент вилоятида бўлиб ўтди.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, «Ўзбекистонда Туркман киноси кунлари» дастури доирасида жойларда ўтказилган учрашувлар, Туркман кинематографиясининг 11 та бадий, қисқа метражли ва ҳужжатли фильмларини намойиши барҳада катта қизиқиш уюлган. — Туркман киноси ҳафталиги биз киноижодкорлар учун тажриба алмишиш мактаби бўлди десак муволага бўлмайди, — дейди актриса Юлдуз Ҳамидова. — Шунинг алоҳида таъкидлаш жоизки, туркман халқи ва ўзбек халқининг ўхшаш жиҳатлари жуда кўп. Жумладан, урф-одат ва анъаналар бир-бирига жуда яқин. Мазкур ҳафталик биз ижодкорларга маданий озуқа олишда катта аҳамият касб этди.

«Ўзбекистонда Туркман кино кунлари» доирасида «МуСОБАКА», «Гулжа», «Ҳаёт шундай» каби тўлиқ метражли бадий фильмлар ва бир неча ҳужжатли фильмлар намойиш этилди. Дарҳақиқат, бу каби тадбирларнинг ўтказилиши икки халқ ўртасидаги маданий алоқаларни янада мустахкамлашга хизмат қилиши шубҳасиз.

Кино ҳафталик давомида туркманистонлик киноижодкорлар «Ўзбекфильм» ОТАЖ киностудияси ижодкорлари билан учрашиб, киностудиянинг иш жараёни, техник имкониятлари билан яқиндан танишишди.

Сурайё МЕЛИКУЛОВА, «Туркистон-пресс»



**МАШРИҚЗАМИН — ХИКМАТ БУСТОНИ ОГАХИЙ ХИКМАТЛАР**

Киши гар дониш ичра тўрт дафтарга эрур хоно,  
Агар ёлгуз эса нодонча кадри бўлмоғой, жоно,  
Эшит, айтай санго ҳолин онинг такрор ила ёно,  
Бори илму ҳунар ичра эса ҳар нечаки доно,  
Замон аҳли аро бўлмас замоне муҳтарам ёлгуз.

Бировким ёлгуз эрса айламас имдод анго толеъ,  
Қаю ишдинки суд истар, бўлур ондин зарар воқеъ,  
Агар юз ганж ҳам сарф айласа бўлмай анго нофеъ,  
Жаҳон бозори ичра нақди ондоқ бўлғуси зоеъ —  
Ки, тутмас бир пул ўрнин харж қилса минг дирам ёлгуз.

Эл ичра обрў топмоқ тилаб сарф этса амволин,  
Бўлур беобрўлиг бирла элга муттахам ёлгуз.

Илоҳи, бўлмасун олам аро куфр аҳли ҳам ёлгуз.

Кишига лозим эрур бўлса ҳарна ҳолду шуқр,  
Агар завол аро бўлсун, вагар камолда шуқр.

Маскан эттинг тут хилофат тахти узра неча йил,  
Ҳам бори олам элин авсофинга машғул бил,  
Бўлса гар ҳушинг буларга фарра бўлса онглағил,  
Мадҳинга очса улус юз ҳуш иборат бирла тил,  
Бир қабих ила қилгон замига арзимас.

Жамъ этарга мол ранжа қилмоғил жону танинг,  
Оқил эрсанг, айлагил расми қаноатни фанинг,  
Бўлма маҳзун сийму зардин тўлмади деб маҳзанинг,  
Тенг тут амволи жаҳон бешу каминиким, онинг  
Инбисоти беши андуҳи камига арзимас.

Фикринг отини тамаъ майдони ичра сурмаким,  
Юз қаноат гўшасидин ўзга сори урмаким,  
Ҳар на бору ўйкинга рози бўлу қойғурмаким,  
Истабон айш, Огаҳий, гам бошинга келтурмаким,  
Даҳр базму айши андуҳи ғамига арзимас.

Зоҳиран бўлса либосинг кимхо, ёхуд катон,  
Не зарар гар хотиринг ичра ҳаво тутмас макон,

Ушбу кенг жаҳон ичра кимса қолмайин асло.

Эйки, усру бўлмишсан иззаи бинойи ҳусн,  
Беҳазон эмас билким, боғи дилқушойи ҳусн,  
Бор эсанг агар оқил, истама вафойи ҳусн,  
Фаҳм қил юзу хатдин йўқлуқин бақойи усн,  
Ул варақда бу мазмун билгурур ёзилгон хат.

То бино топти бу кўҳна гунбази нили равон,  
Остида дард ахлидур эмну фароғатдин йирок.

**Туманларда**

**СИЗ — ВАТАННИНГ КЕЛАЖАГИСИЗ**

**ИЖТИМОЙ ЖИХАТДАН КАМ ТАЪМИНЛАНГАН ОИЛА ВАКИЛЛАРИНИ ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШГА ИСТИҚЛОЛИМИЗНИНГ ДАСТЛАБКИ КУНЛАРИДАН БОШЛАБ ЭЪТИБОР ҚАРАТИБ КЕЛИНМОҚДА.**

Энг олий, энг улуг шодиёна — Ватанимиз мустақиллигининг 17 йиллиги келган Бектемир туманидаги "Астраобод" гузаридида "Сиз — Ватаннинг келажакисиз" мавзусидаги байрам тадбирида туманда истиқомат қилувчи 20 нафар кам таъминланган оила фарзандларининг хатна тўйлари ўтказилиши уларнинг ота-оналари байрам дастурхонига таклиф этилишида ҳам ана шу эзгу мақсадлар эътирофи муҳасам.

Маъмур тадбир Бектемир тумани ҳокими, "Нерудник" ОТАЖ, ЎзЛиДеП Сийсий Кенгаши икрия қўмитаси ташаббуси ва ҳомийлигида ташкил этилган бўлиб, унда давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этишди.

Байрам дастурини кириш сўзи билан оingan Бектемир ту-

мани ҳокими А.Ҳошимжонов туманининг истиқлол йилларида эришган ютуқлари, саноат, халқ ҳўжалиги, ишлаб чиқариш соҳаларидаги натижалари, хусусан, ижтимоий жиҳатдан кам таъминланган оилалар вакиллари ҳар томонлама қўллаб-қувватлашда эришилган ютуқлар, бу борадаги ҳукумат қарорларининг аҳамияти ҳақида атрафлича тўхталиб ўтди.

Шундан сўнг ЎзЛиДеП Сийсий Кенгаши икрия қўмитаси раиси ўринбосари М.Акромова, "Нерудник" ОТАЖ раҳбари Р.Шарипов, "Бектемир" маҳалласи раиси И.Ариповлар сўзга чиқиб, маъмур тадбирни ўтказишдан кўзланган мақсад, вазибалар хусусида тўхталиб ўтишди.

Эътироф этиш жоизки, тумани микёсида оналик ва болаликни ҳар томонлама муҳофаза этиш, алоҳида қўмакка муҳ-

тож оилаларни рағбатлантириб бориш аънана тусига кирганлигининг исботи ўлароқ маъмур тадбир давомида "Нерудник" қорхонаси томонидан суннат тўйлари ўтказилган тўйболаларнинг ҳар бирига банкдан ҳисоб рақамлари очилиб уларга 50.000 сўмдан пул маблағлари ўтказилди. Тўйболаларга байрамона сарполар улашилди.

— Бугунги тадбирдан беҳад мамнунмиз, — дейди байрам дастури иштирокчиси Муборак Халилова. — Негаки, бундай эзгу ишлар туманимизда ҳар йили ўтказиб келинади. Оилаласи боқувчисини йўқотгани, ёш фарзандим борлиги учун доимий ғамқўрликдан баҳраманд бўлиб келаман. Бунинг учун ўз саховатини аямаётган ҳомий, мутасадди ташкилотларга ўз миннатдорлигини билдирмоқчиман.

Байрам дастурига Бектемир

тумани маданият уйи қошида ташкил этилган "Наргиз" мусиқий дастаси, 580-мактабгача таълим муассасаси тарбияланувчилари, "Роҳат" маҳалласи қошидаги "Она тилим — жоним тилим" тўғараги аъзолари томонидан ижро этилган гўзал куй-қўшиқлар, дилрабо рақслар, она-Ватан, Истиқлоли ва истиқболи порлоқ юртни мадҳ этувчи шерьий сатрлар кўтаринки руҳ олиб кирди.

Бир пиёла чой, ўзбекона дастурхон атрафидида байрам кутловлари йирилганларда катта таассурот қолдириди.

**Хидирли ПАНЖИЕВ СУРАТЛАРДА:** Бектемир туманидаги "Астраобод" гузаридида ўтказилган "Сиз — Ватаннинг келажакисиз" мавзусидаги байрам тадбиридан лавҳалар.

Ҳақимжон Солиҳов олган суратлар



**ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР — ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР — ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР**

«Республика Кўчас мулк биржаси» ЁАЖ бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибидида 2008 йил 30 сентябрь кунини соат 11:00 да бўлиб ўтадиган очик аукцион савдосига таклиф этади!

1. Аукцион савдосига, Тошкент шаҳар Чилонзор тумани суд икриячилари бўлими томонидан, ФИБ Уч-тепа туманларо судининг 2006 йил 16 июндаги 1-914/06-сонли икрия ҳужжатига асосан хатланган, қарздор «Тошкент лифт Трест»-га тегишли бўлган қўйидаги кўчас мулклари қўйилмоқда. 1. Умумий майдони 92 кв.м. бўлган, 4 хонали, Тошкент шаҳар Юнусобод тумани, 10-даҳаси, 16-уйдаги 36-хонадонда жойлашган, нотураж жой биноси. Бошланғич баҳоси — 44 793 000 сўм. 2. Умумий майдони 65 кв.м. бўлган, 2 хонали. Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур тумани, г.Узкок кўчаси, 60а-уйдаги, 37-хонадонда жойлашган, нотураж жой биноси. Бошланғич баҳоси — 30 881 700 сўм. 3. Умумий майдони 60 кв.м. бўлган, 2 хонали. Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур тумани, г.Узкок кўчаси, 60а-уйдаги, 117-хонадонда жойлашган, нотураж жой биноси. Бошланғич баҳоси — 32 162 400 сўм. 4. Умумий майдони 72 кв.м. бўлган, 2 хонали. Тошкент шаҳар С.Раҳимов тумани, «Халқа йўли» кўчаси, 2-уйдаги, 63-хонадонда жойлашган, нотураж жой биноси. Бошланғич баҳоси — 35 167 500 сўм. 5. Умумий майдони 70 кв.м. бўлган, 2 хонали. Тошкент шаҳар С.Раҳимов тумани, Шифоқорлар кўчаси, 1-уйдаги 26-хонадонда жойлашган, нотураж жой биноси. Бошланғич баҳоси 32 946 300 сўм. 6. Умумий майдони 66 кв.м. бўлган, 2 хонали, Тошкент шаҳар С.Раҳимов тумани, Қ.Қамчи 2/3-даҳаси, 1-уйдаги, 1-хонадонда жойлашган, нотураж жой биноси. Бошланғич баҳоси — 35 460 000 сўм.

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ»  
Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар кун соат 9.00 дан 16.00 гача қабул қилинади.  
Маълумотлар учун телефон: 233-28-95. Факс: (3712) 233-21-56. Манзилимиз: Матбуотчилар кўчаси, 32-уй, 2-қават, 208-хона.

II. Шунингдек 2008 йил 16 сентябрь кунини соат 11:00 да бўлиб ўтадиган аукцион савдосига такроран, Тошкент шаҳар Ҳамза тумани суд икриячилари бўлими томонидан, Тошкент шаҳар ҳўжалик судининг 07.08.2004 йил 10-0404/5395-сон, 11.10.2004 йил 10-0410/7540-сон ва 21.12.2004 йил 10-0407/10101-сонли икрия варақаларига асосан хатланган, Ҳамза тумани, Элбёк кўчаси, 8-уй манзилдаги «Тошкент Фудро» иш-шотлари ва сув таъминоти дистанцияси» ОАЖ ҳудудида сақланган қўйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда. 1. «ЗИЛ-138» русумли, д/р 10АЛ131 бўлган, 1982 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 6.300.000 сўм. 2. «ЗИЛ-130» (авто-

вишка) русумли, д/р 10АЛ142 бўлган, 1993 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 35.630.000 сўм. 3. «МАЗ-5334» (автокран) русумли, д/р 10АЛ141 бўлган, 1984 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 7 920 000 сўм.

Маъмур кўчас мулк ва автотранспорт воситалари билан туман суд икриячилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдосига бир кун қолганда тўхтатилади.

Ушбу савдоларда қатнашиш учун талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда, тўлов ҳужжатида икрия ҳўжжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда РКМБнинг АТИБ «Ипотекабанк» С.Раҳимов ф-даги қўйидаги ҳисоб-рақамига тўлашлари шарт: МФО:00901, ИНН:200833850, х/р: 20210000500571452105. Манзил: Тошкент ш., С.Раҳимов т., М.Уразбоев кўчаси, 1-А-уй. Тел: 228-79-52. www.rktb.uz

**Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги**

**Абу Райҳон Беруний номидаги Тошкент Давлат техника университети**

**қўйидаги бўш ўринларга ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:**

| №  | Кафедра номи   | Каф.муд | Профессор | Доцент | Катта ўқит | Ассистент |
|--|--|---------|-----------|--------|------------|-----------|
| <b>ИҚТИСОДИЁТ ВА МЕНЕЖМЕНТ ФАКУЛЬТЕТИ</b>  |  |         |           |        |            |           |
| 1.   | Иқтисодиёт   | -       | 1         | 1      | -          | 1         |
| 2.   | Менежмент  | -       | 2         | 5      | 4          | -         |
| 3.   | Маркетинг  | 1       | 1         | 4      | 5          | 3         |
| 4.   | Дизайн   | -       | -         | 1      | 2          | 1         |
| 5.   | Иқтисодиёт назарияси   | -       | -         | -      | 1          | -         |
| 6.   | Фалсафа  | -       | -         | 3      | 4          | 2         |
| 7.   | Сийсатшунослик, социология ва миллий истиқлол ғояси                            | -       | 2         | 5      | 2          | -         |
| 8.   | Педагогика ва психология   | -       | 1         | 4      | 5          | 3         |
| <b>ГЕОЛОГИЯ ВА КОНЧИЛИК ИШИ ФАКУЛЬТЕТИ</b> |  |         |           |        |            |           |
| 1.   | Фойдалани қазилмалар геологияси ва қидирув ишлари                              | 1       | 2         | 4      | 1          | 1         |
| 2.   | Геология, минералогия ва петрография   | -       | -         | 2      | -          | 1         |
| 3.   | Гидрогеология, муҳандислик геологияси ва разведка ишларининг геофизик усуллари | -       | 1         | 4      | 3          | 2         |
| 4.   | Кончилик иши   | 1       | -         | 2      | -          | -         |
| 5.   | Металлургия  | -       | -         | 1      | -          | 1         |
| 6.   | Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги  | -       | 1         | 4      | 2          | 1         |
| 7.   | Кончилик электр механикаси   | -       | -         | 2      | 2          | -         |
| 8.   | Маркшерейдерлик иши ва геология  | 1       | -         | 3      | 3          | 2         |
| 9.   | Чизма геометрия ва муҳандислик графикаси                                       | -       | -         | 3      | 3          | 4         |
| <b>НЕФТ ВА ГАЗ ФАКУЛЬТЕТИ</b>              |  |         |           |        |            |           |
| 1.   | Нефть - газ конларининг геологияси ва геофизикаси                              | -       | 2         | 2      | 2          | -         |
| 2.   | Нефть-газ қудуқларини бургулаш   | 1       | 1         | 3      | 5          | 2         |
| 3.   | Нефть-газ қувурлари, омборлари ва саноати объектларини лойиҳалаш               | 1       | 1         | 3      | 4          | 5         |
| 4.   | Нефть-газ конларини ишга тушириш ва қасб таълими (нефть ва газ иши)            | -       | 1         | 5      | 3          | 3         |
| 5.   | Нефть ва газни ҳайта ишлаш технологияси  | -       | 1         | 5      | 3          | -         |
| 6.   | Атроф-муҳит муҳофазаси   | -       | -         | 2      | -          | 1         |
| 7.   | Умумий кимё  | -       | -         | 2      | 1          | -         |
| 8.   | Умумий физика  | -       | 2         | 6      | 4          | 2         |
| <b>ЭНЕРГЕТИКА ФАКУЛЬТЕТИ</b>               |  |         |           |        |            |           |
| 1.   | Электр станциялари тармоқлари ва тизимлари                                     | -       | 1         | 1      | 1          | -         |
| 2.   | Электр таъминоти   | -       | 1         | 1      | 1          | -         |
| 3.   | Иссиқлик энергетикаси  | -       | 2         | 4      | 1          | -         |
| 4.   | Электр техникаси, электр механикаси ва электр технологиялари                   | -       | -         | 2      | 2          | -         |
| 5.   | Кабель, электр изоляцияси техникаси ва энергия тежамкорлиги                    | -       | -         | -      | -          | -         |
| 6.   | Гидравлика ва гидроэнергетика  | -       | -         | 1      | -          | -         |
| 7.   | Қасб таълими (энергетика) ва электротехника                                    | -       | 1         | 2      | 1          | -         |
| 8.   | Олий математика  | -       | -         | 6      | 1          | 3         |

**МЕХАНИКА-МАШИНАСОЗЛИК ФАКУЛЬТЕТИ**

|     |   |   |   |   |   |   |
|-----|---|---|---|---|---|---|
| 1.  | Машинасозлик технологияси, машинасозлик ишлаб чиқариш жиҳозлари ва уларни автоматлаштириш | - | 1 | 4 | 2 | 1 |
| 2.  | Машинасозлик материалларига ишлов бериш   | - | 2 | 2 | 1 | - |
| 3.  | Ер усти транспорт тизимлари (қишлоқ ҳўжалик машиналари)                                   | - | 1 | 3 | - | - |
| 4.  | Металлар технологияси ва материалшунослик   | - | 2 | 1 | 2 | - |
| 5.  | Технологик машиналар ва жиҳозлар  | 1 | 1 | - | - | - |
| 6.  | Энергомашинасозлик ва қасб таълими (ЕУТ)  | - | - | 3 | - | - |
| 7.  | Материаллар қаршилиги, машиналар ва механизмлар назарияси                                 | - | 2 | 3 | 5 | - |
| 8.  | Назарий механика, машина деталлари. Сервис техника ва технологияси                        | - | 2 | 5 | 2 | 2 |
| 9.  | Агринженерия  | - | - | 2 | 1 | 1 |
| 10. | Пайвандлаш, ишлаб чиқариш машиналари ва технологияси                                      | - | - | - | - | - |

**ЭЛЕКТРОНИКА ВА АВТОМАТИКА ФАКУЛЬТЕТИ**

|    |  |   |   |   |   |   |
|----|--|---|---|---|---|---|
| 1. | Электроника ва микроэлектроника                    | - | - | 1 | 2 | - |
| 2. | Нанотехнология                                     | - | - | 2 | 1 | - |
| 3. | Автоматлаштириш ва бошқарув                        | - | 1 | 2 | 3 | - |
| 4. | Асбозозлик   | - | - | 1 | 1 | 1 |
| 5. | Метрология, стандартлаштириш ва сертификатлаштириш | - | 2 | 2 | - | 1 |
| 6. | Ишлаб чиқариш жараёнларини автоматлаштириш         | - | 1 | 2 | 1 | 1 |
| 7. | Радиотехника ва қасб таълими (радиотехника)        | - | - | 2 | 1 | 1 |
| 8. | Умумий информатика                                 | - | - | 2 | 2 | 2 |

**УМУМ ТАЪЛИМ КАФЕДРАЛИРИ**

|    |                                     |   |   |   |    |   |
|----|-------------------------------------|---|---|---|----|---|
| 1. | Ўзбекистон тарихи ва ҳўқуқ асослари | - | - | - | 1  | - |
| 2. | Тиллар (Ўзбек ва рус)               | - | 1 | 1 | 2  | 3 |
| 3. | Ҳорижий тиллар                      | - | - | 1 | 5  | - |
| 4. | Ҳорижий тиллар 2                    | - | - | 3 | 16 | 8 |
| 5. | Жисмоний тарбия                     | - | - | 1 | 4  | 4 |

**АВИАЦИОН ФАКУЛЬТЕТИ**

|    |  |   |   |   |   |   |
|----|--|---|---|---|---|---|
| 1. | Авиасозлик   | 1 | 3 | 7 | 4 | 1 |
| 2. | Авиа ва ракета-космик техникдан фойдаланиш                               | 1 | 1 | 4 | 6 | 1 |
| 3. | Учиш аппаратлари ва аэропортларнинг радиолокцион жиҳозларидан фойдаланиш | 1 | 1 | 2 | 4 | - |
| 4. | Ҳавогаги ҳаракатни бошқариш  | 1 | - | 2 | 2 | - |
| 5. | Учиш аппаратларининг конструкцияси ва уларни лойиҳалаш                   | 1 | - | 2 | 1 | 1 |
| 6. | Учиш аппаратларининг аэродинамикаси ва парвоз синови                     | 1 | 1 | 2 | 1 | 1 |
| 7. | Учиш аппаратлари ва аэропортларнинг электр жиҳозлари                     | 1 | - | 3 | 3 | 2 |
| 8. | Олий математика 2  | 1 | 1 | 9 | 4 | 5 |

Аризалар қабул қилиш муддати — эълон чоп этилган кундан бошлаб 1 ой. Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 2-уй, Тошкент Давлат техника университетининг бош биноси, 418, 211-хоналар. Телефонлар: 246-46-00; 246-81-42; 246-61-17



Бош муҳаррир  
Акмал АҚРОМОВ  
Манзилимиз: 100029,  
Тошкент шаҳри,  
Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:  
хатлар — 233-29-70; эълонлар: 233-28-95,  
236-57-65. факс: (3712) 233-21-56.  
Душанба, сешанба, chorshanба, пайшанба  
ва жума кунлари чиқади.  
Нашир кўрсаткичи — 563

Газета Тошкент шаҳар  
Матбуот ва ахборот  
бошқармасида 02-1-рақам  
билан рўйхатга олинган.  
Ҳажми — 2 босма табоқ,  
офсет усулида босилади.  
3200 нусхада босилади.  
Қоғоз бичими А-2

Нашри етказиб бериш масалалари буйича турар жойлардаги почта бўйимларига еки «Тошкент почта»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.  
Газета «Тошкент оқшомининг» компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.  
«Шарк» нашрийт-матбоа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Қорхона манзили: «Буёқ Турон» кўчаси, 41-уй.  
I 3 4 5 6